

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

18-сон
(362)
2009 йил
4 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

222. «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги ПҚ–1106-сон қарори

Учинчи бўлим

223. «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори

224. «Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарори

225. «Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 127-сон қарори

Бешинчи бўлим

226. «Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкани бўлиб-бўлиб реализация қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 13 апрелдаги 9-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 843-1*)

227. «Битим реестри тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 14 апрелдаги 01/23-18/07-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 315-1*)

228. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 30 мартдаги 28-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1947*)

229. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948*)

230. «Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 21 апрелдаги 45, 2009-18-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1576-1*)

231. «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2009 йил 30 мартдаги 53-сонли

буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1949*)

232. «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 27 мартдаги 4/4, 01-11Қ/Қ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1950*)

233. «Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 27 мартдаги 2009-24-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 844-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 25 апрелдан 1 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

222 Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш учун илғор таълим стандартлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Женерал Моторс» корпорацияси ва Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Турин политехника университети (Италия Республикаси), «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналари томонидан нотижорат ташкилот сифатида ташкил этиладиган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Турин политехника университетида (Италия Республикаси) қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш корхона ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Университетнинг асосий вазифаси ҳисоблансин.

«Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Университет Турин политехника университети (Италия Республикаси) билан тузиладиган сервис ва лицензия битимлари асосида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда,

* 1-илова берилмайди.

2-иловага* мувофиқ асосий таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича барча даражалардаги мутахассислар, шу жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлайди, шунингдек кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Университет битирувчиларини аттестациядан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Турин политехника университетида (Италия Республикаси) белгиланган тартиб, талаб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

талабаларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, Турин политехника университети (Италия Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади.

Университетга 2009/2010 ўқув йиллари учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси 200 киши этиб белгилансин.

4. Турин политехника университети (Италия Республикаси):

Университетда илғор педагогика ва ахборот технологиялари, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга асосланган ҳолда, ўқув-услубий раҳбарликни ва ўқув жараёнини амалга оширишни таъминлаши;

Университетнинг кутубхона фондиди шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техника адабиётлари билан тўлдиришга, ўқув-лаборатория базаси ҳамда замонавий ахборот марказини ташкил этишга кўмаклашиши;

Ўзбекистонлик ёш ва истиқболли илмий-педагог кадрларнинг малакасини, шу жумладан чет элда оширишга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушадиган маблағлар, шу жумладан манфаатдор ташкилотлар томонидан талабалар билан тузилган контрактлар асосида бериладиган грантлар;

Университет Васийлик кенгаши қарорлари асосида жалб қилинадиган бошқа маблағлар, шунингдек ҳомийлар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Васийлик кенгашининг шахсий таркиби 3-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

6. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети барча турдаги солиқлардан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 3-илова берилмайди.

тасдиқланадиган рўйхат бўйича республикамизга Университетни реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, компьютер ва ташкилий техника, адабиёт, мультимедия маҳсулотлари, қурилиш материаллари, жиҳозлар ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 5 йил муддатга озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг ушбу қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига, уларнинг оила аъзоларига, давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда, кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек вақтинчалик яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасига чет эллик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларни жалб қилиш учун Университетга, уни давлат божи тўлашдан озод этган ҳолда белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини таъминласин.

10. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қўйидаги манзилдаги туташ ҳудудга эга бинолар комплексида жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси (Кичик ҳалқа йўли), 17-уй.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда юқорида кўрсатилган туташ ҳудудга эга бинолар комплексини «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси балансига, 2009/2010 ўқув йили бошлангунга қадар бинолар комплексини компания томонидан реконструкция қилиш ва Университетни зарур мебеллар, жиҳозлар, ўқув ва лаборатория анжомлари, компьютер ва бошқа ташкилий техника билан замонавий талабларга мувофиқ жиҳозлашни таъминлаш шarti билан беришни назарда тутадиган қарор қабул қилсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 апрель,
ПҚ-1106-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

223 Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга 2009 йил 1 июндан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун илгари берилган лицензиялар бўйича лицензия битимларига 2010 йил 1 июлгача белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин;

кўрсатиб ўтилган муддат тугагандан кейин ушбу қарор талабларига мувофиқ бўлмаган телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни кўрсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 апрель,
122-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорига
ИЛОВА

**Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни
лицензиялаш тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 14-бандда:

а) «а» кичик банднинг иккинчи хатбошидаги ва «б» кичик банддаги «юридик шахс учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «г» кичик банддаги «юридик шахс» сўзлари «оммавий ахборот воситалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) «д» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«д) қуйидагилар:

телекоммуникациялар тармоқларини ишлатиш ва (ёки) улар хизматларини кўрсатиш учун лицензия олишда — телекоммуникациялар асосий техник воситаларининг (мулк ҳуқуқида ёки бошқа қонуний асосда мавжуд бўлган) тавсифи, радиочастоталарнинг диапазонлари ва номиналлари (улардан фойдаланишда) кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхати;

телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш учун лицензия олишда — лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник воситалар (мулк ҳуқуқида ёки бошқа қонуний асосда мавжуд бўлган) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати»;

г) «ж» кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ж) лицензия талабгори томонидан телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартлар бажарилиши имкониятини тасдиқловчи ҳужжатлар»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш учун лицензия олишда — олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг, телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш бўйича мутахассислар меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари».

2. 31-бандга қуйидаги мазмундаги йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи хатбоши қўшилсин:

«телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш учун лицензия олишда — юридик шахс штатида телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича камида беш йил иш стажига, олий техник маълумотга эга бўлган камида уч нафар мутахассиснинг мавжуд бўлиши;

қурилиш меъёрлари ва нормаларига, идоравий техник лойиҳалаштириш меъёрларига риоя қилиш»;

йигирма олтинчи — ўттиз биринчи хатбоши тегишли равишда йигирма саккизинчи — ўттиз учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**224** **Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сон қарорига мувофиқ ҳамда архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш бўйича лицензиялар 5 йил муддатга берилadi;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш бўйича илгари берилган лицензиялар Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги тасдиқланган янги Низом талабларига мувофиқ 2009 йил 1 июлгача бўлган муддатда қайта рўйхатдан ўтказилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт комиссия таркибини мустаҳкамласин;

2009 йил 1 июнгача бўлган муддатда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилиши тўғрисидаги ахборот билан тўлдириб бориладиган марказлаштирилган маълумотлар базасини ташкил этсин;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали лицензия талаблари ва шартлари, шунингдек лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган, тўхтатилган ёки лицензияси бекор қилинган лицензиатлар тўғрисида мунтазам равишда ахборот бериб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 апрель,
126-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарорига
1-ИЛОВА

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Барча турдаги архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолияти объектларни қуриш учун муҳандислик-техник изланишларни, дастлабки ва якуний техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда техник-иқтисодий асослашларни яратишни, бино ва иншоотларни лойиҳалашни, қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини яратишни, хўжалик, саноат ва бошқа мақсадлардаги бинолар ва иншоотларни ҳамда уларнинг комплексларини, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси бинолари ва иншоотларини кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек уларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва ишончлилиги йўқолган тақдирда одамлар хавфсизлигига хавф ёки катта моддий йўқотишлар вужудга келадиган унинг муҳим функцияларини бажариш элементларини ўз ичига олади.

2. Лицензиялар бериш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ҳамда лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитект-қурилиш» қўмитаси деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида Эксперт комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузилади. Эксперт комиссия фаолияти «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади. Комиссия ўзига юкланган функцияларни бажариш учун «Давархитект-қурилиш» қўмитаси вакилларидан ишчи гуруҳ тузади.

3. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолияти фақат ушбу Низомда назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Намунавий лицензиялар лицензия талабгорининг аризасига биноан умуман лойиҳалаш фаолияти турига ёки ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатлари классификаторларига ҳамда объектларни лойиҳалаш ва қуриш мураккаблиги тоифаларига мувофиқ лойиҳалашнинг бир ёки бир неча турларига (бўлимларига) берилади.

Намунавий лицензияларнинг амал қилиши лойиҳалашнинг барча босқичларига татбиқ этилади.

4. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия, лойиҳалашнинг мураккаблик даражасидан қатъи назар, 5 йил муддатга берилади.

5. Лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан биринчи марта мурожаат қилган ташкилотларга, қоидага кўра, лицензия мураккабликнинг I-II тоифаларидан юқори бўлмаган лойиҳа ҳужжатларини яратиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига берилади.

Лицензия талабгорининг штатида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мураккабликнинг янада юқори тоифасидаги объектларни лойиҳалаш тажрибасига эга бўлган ҳамда ушбу Низомга 3 ва 4-иловаларда назарда тутилган тегишли талабларга жавоб берадиган бош муҳандислар ва архитекторлар, бош ва етакчи мутахассислар мавжуд бўлган тақдирда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан унга объектларни лойиҳалаш ва қуришнинг кўрсатилган мураккаблик тоифасига лицензия бериш масаласи кўриб чиқилади.

6. Лицензия талабгори томонидан Объектларни лойиҳалаш ва қуришнинг мураккаблик классификаторига (2-илова) мувофиқ янада юқори тоифадаги архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятига лицензия олиш учун лойиҳалаш ташкилоти томонидан икки йил мобайнида жорий тоифадаги камида ўнта объектни лойиҳалаш бўйича бажарилган ишларнинг жами рўйхати улар юзасидан архитектура ва қурилиш органлари, шунингдек белгиланган ҳолларда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг давлат экспертиза ва архитектура-қурилиш назорати органлари берган хулосалар нусхалари билан бирга ҳамда ушбу объектлар бўйича муаллифлик назорати дафтарлари тақдим этилади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатлари, тегишли давлат стандартлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мажбурий риоя этиш;

б) юридик шахс штатида доимий равишда ишлайдиган (вақтинчалик жалб қилинганларни ҳисобга олмасдан) лойиҳанинг бош муҳандиси ва бош архитекторининг, шунингдек тегишли махсус касбий маълумотга эга бўлган ва ушбу Низомга 3-иловада назарда тутилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш соҳасида иш стажига эга бўлган етакчи ва бош мутахассисларнинг қуйидаги миқдорда мавжуд бўлиши:

мураккабликнинг I-II тоифасидаги объектлар учун — ходимлар умумий сонининг камида 30%;

мураккабликнинг III тоифасидаги объектлар учун — камида 40%;

мураккабликнинг IV-V тоифасидаги объектлар учун — камида 50%.

в) юридик шахсда ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун зарур бўлган, унга мулк

ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган бинолар, хоналар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг мавжуд бўлиши;

г) «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилаётган яратилаётган лойиҳа ҳужжатининг сифатини назорат қилиш тизимининг, шунингдек белгиланган ҳолларда муаллифлик назорати ҳужжатларининг мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури;

б) лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат;

в) архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш билан шуғулланаётган ходимларнинг рўйхати, унда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги, мутахассислиги бўйича иш стажы, ушбу ходимлар лойиҳалаштирилишида иштирок этган асосий объектлар рўйхати кўрсатилади;

г) архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш учун мавжуд шарт-шароитлар ва техника воситалари тўғрисидаги маълумотлар;

д) давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нота-риал тасдиқланган нусхаси;

е) қуйидагиларнинг:

ташкilotнинг таъсис шартномаси ва уставининг;

ташкilot раҳбари ҳамда соҳа бўйича маълумотга эга бўлган асосий ходимлар (лойиҳанинг бош муҳандислари ва архитекторлари, бош ва етакчи мутахассислар) дипломларининг;

талабгорга мулк ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асосда фаолиятнинг лицензияланаётган тури учун зарур бўлган бинолар, хоналар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг;

турар жойда (квартирада) фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг турар жойни турар жой бўлмаган хона тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарорларининг нусхалари.

9. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасининг масъул шахси томо-

нидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана қайд қилинган ҳолда аризага юборилади (тақдим этилади).

11. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризининг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

13. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олингандан кейин уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади. Фавқулодда ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

14. «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилингани тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

15. Лицензия битими «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитаси буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан расмийлаштирилади ва «Давархитектқурилиш» қўмитасининг раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

17. Лицензия «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек «Давархитектқурилиш» қўмитасининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни Комиссия томонидан такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Давархитектқурилиш» қўмитасига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

24. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

25. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришда лицензиат «Давархитектқурилиш» қўмитасига архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш соҳасида илгари берилган лицензияни қайтариб беради.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат даврий нашрларда йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этиши шарт.

Лицензия дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензия-

лаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

33. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, «Давархитектқурилиш» қўмитаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

34. «Давархитектқурилиш» қўмитаси архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефони ва факси;

рахбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

фаолият тури ва объектларни лойиҳалашнинг мураккаблик тоифаси;

доимий равишда ишлайдиган масъул мутахассислар рўйхати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддати-ни узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

Лицензиат «Давархитектқурилиш» қўмитасига лицензиялар реестрида кўрсатилган маълумотлардаги ҳар қандай ўзгаришларни уч кун муддатда тақдим этиши шарт.

35. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очик ҳисобланади, улар «Давархитектқурилиш» қўмитасидан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Давархитектқурилиш» қўмитасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

36. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

IX. Давлат божини тўлаш тартиби

37. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муд-

датини узайтирганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди давлат божи ундирилади.

38. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини
яратиш фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатлари КЛАССИФИКАТОРИ

А гуруҳи

**Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари
(лойиҳалашнинг барча босқичларида архитектура-шаҳарсозлик
ҳужжатларини яратиш, шу жумладан лойиҳаларининг ДТИА,
ТИА ҳамда ДТИХ, ТИХларини ишлаб чиқиш)**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ва ҳудуди қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар.
2. Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар.
3. Аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар.
4. Аҳоли пунктлари ҳудудларини қуриш тўғрисидаги ҳужжатлар.
5. Қурилиш объекти учун муҳандислик-техник қидирувларини (муҳандислик-геодезия қидирувларидан ташқари) бажариш.
6. Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.
7. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.
8. Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.
9. Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.
10. Энергетика қурилиши ва алоқа объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.
11. Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш.

12. Магистрал муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш.

13. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш.

14. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш учун ҳужжатлар.

Б гуруҳи

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айрим бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари

1. Объектларнинг асослари ва пойдеворлари бўлимини лойиҳалаштириш.
2. Объектларнинг металл конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш.
3. Объектларнинг темир-бетон конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш.

4. Махсус объектлар ва иншоотларни лойиҳалаштириш.

5. Қурилиш объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.

6. Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш.

7. Бинолар ва иншоотларни мустаҳкамлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.

8. Коррозияга қарши ҳимояни ишлаб чиқиш.

9. Бинолар ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш:

иситиш, вентиляция, кондиционерлаштириш;

сув қувири ва канализация;

газ таъминоти;

газ асбоб-ускуналари;

совуқ таъминоти;

энергия таъминоти;

электр асбоб-ускуналари;

электр билан ёритиш;

электр билан иситиш;

автоматлаштириш ва паркдан фойдаланиш коэффициенти;

кучсиз токли қурилмалар;

вертикал режалаштириш.

10. Капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлаш.

Изоҳ. Қурилиш учун дастлабки ва узил-кесил техник-иқтисодий асослашларни, шунингдек қурилишни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш фаолиятнинг лицензияланадиган тури ҳисобланади ҳамда А гуруҳининг 6 — 12-бандлари ва Б гуруҳининг 4 ва 9-бандлари бўйича фаолият турларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини
яратиш фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

22-д-модда

— 20 —

18 (362) -сон

**Лойиҳалаштириш ва қуриш объектларининг мураккаблик тоифалари
КЛАССИФИКАТОРИ**

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
1. Электр энергетика							
1.1.	Гидроэлектростанциялар					+	
1.2.	Иссиқлик электр станциялари, қозонхоналар					+	
1.3.	Электр энергетика бошқа объектлари					+	
2. Нефть, газ ва кўмир саноати							
2.1.	Нефть, газ ва кўмир саноати объектлари					+	
3. Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари							
3.1.	Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари объектлари					+	
4. Газ ва кўмир саноати							
4.1.	Газ ва кўмир саноати объектлари	шу жумладан таъмирлаш корхоналари				+	
5. Металлургия ва электротехника саноати							
5.1.	Металлургия ва электротехника саноати корхоналари					+	
6. Кон-руда саноати							
6.1.	Кон-руда саноати корхоналари					+	
7. Кимё саноати, минерал ўғитлар							
7.1.	Кимё саноати, минерал ўғитлар корхоналари					+	
8. Машинасозлик							
8.1.	Машинасозлик объектлари	энергетика, оғир саноат, транспорт, кимё, нефть				+	
9. Станоксозлик ва асбоб-ускуналар саноати							
9.1.	Станоксозлик ва асбоб-ускуналар саноати объектлари					+	

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
10. Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув тизимлари							
10.1.	Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув тизимлари корхоналари					+	
11. Автомобиль саноати							
11.1.	Автомобиль саноати корхоналари					+	
12. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги							
12.1.	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари	шу жумладан чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги				+	
13. Қурилиш, йўл қурилиши ва коммунал хўжалиги машинасозлиги							
13.1.	Қурилиш, йўл қурилиши ва коммунал хўжалиги машинасозлиги корхоналари					+	
14. Ҳаракатдаги таркибни, авиация техникасини таъмирлаш							
14.1.	Ҳаракатдаги таркибни, авиация техникасини таъмирлаш корхоналари					+	
15. Қурилиш металл конструкциялари							
15.1.	Қурилиш металл конструкциялари корхоналари					+	
16. Ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати объектлари							
16.1.	Ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати объектлари					+	
17. Қурилиш материаллари саноати							
17.1.	Қурилиш индустрияси корхоналари	цемент, бетон, йиғма темир-бетон буюмлар ва бошқалар ишлаб чиқариш				+	
18. Енгил саноат							
18.1.	Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш корхоналари					+	
18.2.	Ипак йигирув фабрикалари (корхоналари)				+		
18.3.	Пойабзал фабрикалари (корхоналари)				+		
18.4.	Пахта тозалаш заводлари (корхоналари)					+	
19. Балиқчилик саноати							
19.1.	Балиқчилик саноати объектлари					+	

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
20. Тиббиёт ва микробиология саноати							
20.1.	Тиббиёт ва микробиология саноати объектлари					+	
21. Агросаноат комплекси							
21.1.	Агросаноат комплекси объектлари	ривожланган муҳандислик инфратузилмасига эга бўлган ҳудудларда			+		
		ўзлаштирилмаган ҳудудларда			+		
22. Ун-ёрма ва омихта ем саноати							
22.1.	Ун-ёрма ва омихта ем саноати корхоналари					+	
23. Ўрмон хўжалиги							
23.1.	Ўрмон хўжалиги объектлари					+	
24. Сув хўжалиги қурилиши							
24.1.	Сув хўжалиги қурилиши объектлари	сув омборлари, суғориш, дренаж (захни қочириш) тизимлари, мелиоратив тизимлардаги гидротехника иншоотлари, суғориш насос станциялари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш				+	
25. Ҳаво ва темир йўл транспорти							
25.1.	Ҳаво ва темир йўл транспорти бинолари ва иншоотлари	вокзаллар, платформалар, аэропортлар, темир йўллар ва бошқалар				+	
26. Алоқа муассасалари							
26.1.	Алоқа бўлимлари, автоматлаштирилган телефон станциялари			+			
26.2.	Почтамтлар, телеграфлар, саралаш узеллари				+		
26.3.	Алоқа узелига эга бўлган автоматлаштирилган телефон станциялари				+		
27. Темир йўл ва автомобиль йўллари							
27.1.	Темир йўл ва автомобиль йўллари инфратузилмаси объектлари	шу жумладан кўприклар, туннеллар, хизмат кўрсатиш пунктлари ва бошқалар				+	
28. Уй-жой қурилиши							
28.1.	Уйлар ёнидаги хўжалик ва қўшимча иморатлар		+				
28.2.	Боғ уйлари, муваққат (ёзги) уйлар			+			

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
28.3.	Кўп қаватли турар жой бинолари ва ётоқхоналар	кўп марта қўлланиладиган лойиҳаларни боғлаш якка тартибдаги лойиҳаларни яратиш			+		
28.4.	Шаҳар типидagi кам қаватли уйлар				+		
28.5.	Шаҳарсозлик аҳамиятига эга бўлган алоҳида уйлар, виллалар, террасали турар жойлар, кўп қаватли турар жой бинолари ва комплекслари	шу жумладан қулайлиги, архитектура қиёфасига талаблар юқори бўлган объектлар					+
29. Аҳоли пунктларини обод қилиш							
29.1.	Микрорайонларни, мавзеларни, шаҳарсозлик комплексларини, участкаларни, турар жой ва жамоат бинолари гуруҳларини қуриш (турар жой ва жамоат биноларини боғлашдан ташқари)	архитектура-режалаштириш ечимлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, микрорайонлар, мавзелар, комплекслар чегараларида рельеф, муҳандислик тармоқлари ташкил этиш				+	
29.2.	Паст қаватли коттежлар қуриб обод қилиш					+	
29.3.	Ҳовли типидagi уйлар қуриб обод қилиш				+		
29.4.	Жамоа боғлари		+				
30. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш (мустақил объектлар — обод қилиш лойиҳаларидан ташқари)							
30.1.	Худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	ободонлаштиришга энг кам норматив талаблар қўйиладиган шартларда қишлоқ аҳоли яшаш жойлари, коммунал ва саноат худудлари		+			
		ободонлаштиришга ўрта даражадаги талаблар қўйиладиган шаҳар, дала боғлар, завод худудлари, кичик архитектура шакллари			+		
		ободонлаштиришга юқори даражадаги талаблар қўйиладиган худудлар				+	
30.2.	Жиҳозланмаган ва техник ускуналар қўйилмаган шамол ва шовқиндан ҳимоя қилиш полосалари, велосипед ва чана, пиёдалар йўлакчалари (терренкурлар)		+				
31. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш							
31.1.	Вақтинчалик павильонлар, киосклар, бос-тирмалар ва бошқалар		+				

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
31.2	Йил давомида фаолият кўрсатадиган дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	шу жумладан кафе, ошхоналар, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари			+		
31.3.	Савдо уйлари, йирик универсал ва ихтисослаштирилган дўконлар, супермаркетлар, ресторанлар					+	
32. Соғлиқни сақлаш							
32.1.	Поликлиникалар, амбулаториялар, дорихоналар, касалхоналарнинг хўжалик блоклари, тез тиббий ёрдам станциялари, сут тайёрлаш пунктлари, санэпидемстанциялар				+		
32.2	Касалхоналар, тиббий марказлар, даволаш-диагностика корпуслари, касалхона комплекслари	стандарт тарзда жиҳозлаш ва усқуналаш (кўп марта фойдаланиладиган)				+	
		ноёб буюмлар билан жиҳозлаш ва усқуналаш, янги технологиялар					+
33. Таълим ва болалар муассасалари							
33.1.	Ихтисослаштирилган мактаблар, лицейлар, коллежлар, гимназиялар					+	
33.2.	Олий ўқув юртлари					+	
33.3.	Университетлар					+	
33.4.	Болалар ўйин майдончалари, солярийлар, соғломлаштириш павильонлари			+			
33.5.	Мактабгача болалар муассасалари, мактаблар				+		
34. Томоша муассасалари							
34.1.	Кино- ва видео фильмлар намойиш қилиш учун вақтинчалик павильонлар		+				
34.2.	Ёзги эстрадалар ва кинотеатрлар			+			
34.3.	1000 ўрингача бўлган кинотеатрлар, видео-марказлар				+		
34.4.	1000 ўридан ортиқ бўлган киноконцерт заллари ва кинотеатрлар					+	
34.5.	Театрлар, цирklar, музейлар						+

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
35. Матбаа саноати							
35.1.	Матбаа саноати объектлари					+	
36. Сув билан таъминлаш ва канализация							
36.1.	Ер ости манбаларидан сув олиш комплекслари				+		
36.2.	Ер усти манбаларидан сув олиш объектлари	дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар ва бошқалар				+	
36.3.	Табиий сув, оқова сув-маиший ва ишлаб чиқариш оқова сув учун тозалаш иншоотлари					+	
36.4.	Сув қувурлари ва тармоқлар				+		
37. Транспорт, нефть маҳсулотларини сақлаш ва автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари							
37.1.	Автотранспорт корхоналари	шу жумладан автодормехбазалар, автопарклар, трамвай ва троллейбус деполар				+	
37.2.	Гаражлар	тозалаш иншоотларига эга бўлмаган боксли ва бир қаватли гаражлар		+			
		тозалаш иншоотларига эга бўлган гаражлар			+		
		кўп қаватли ер ости, ер усти гаражлари				+	
37.3.	Нефть қазиб олиш корхоналари, нефть базалари, нефть маҳсулотлари омборлари					+	
37.4.	Автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари				+		
38. Илмий-тадқиқот муассасалари							
38.1.	Лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари			+			
38.2.	Ихтисослаштирилган ИТИ ва лабораториялар				+		
38.3.	Илмий-тадқиқот академик марказлари					+	
39. Жисмоний тарбия-спорт иншоотлари							
39.1.	Ўйин майдонлари ва стадионлар	ёрдамчи биноларга эга бўлмаган	+				
		мавсумий ёрдамчи биноларга эга бўлган		+			
		трибуналарга ва трибуна ости биноларига эга бўлган			+		
39.2.	Сузиш ҳавзаси	очиқ			+		
		ёпиқ				+	

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
39.3.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари	сузиш ҳавзасига эга бўлган				+	
		сузиш ҳавзасига эга бўлмаган			+		
39.4.	40000 ва ундан ортиқ ўринга эга бўлган очиқ стадионлар				+		
39.5.	40000 ва ундан ортиқ ўринга эга бўлган ёпиқ стадионлар, спорт саройлари					+	
40. Фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимоя қилиш иншоотлари							
40.1.	Радиацияга қарши бинолар			+			
40.2.	Ер остидаги махсус бинолар	муҳандислик ускуналарининг автоном тизимига эга бўлмаган				+	
		муҳандислик ускуналарининг автоном тизимига эга бўлган					+
41. Ёнгин ўчириш автоматик қурилмалари, ёнгинга қарши ва қўриқлаш сигнализация тизимлари							
41.1.	Спринклер и дренчер қурилмалари	мавжуд корхоналарда монтаж қилиш					+
		лойиҳалаштирилаётган комплекс				+	
41.2.	Қўриқлаш-ёнгинга қарши сигнализация				+		
42. Газни тозалаш ва чанг тутиш иншоотлари							
42.1.	Мавжуд корхоналарда ва лойиҳалаштирилаётган комплексларда назарда тутилаётган қурилмалар						+
43. Махсус ишлар							
43.1.	Тупроқни музлатиш, кимёвий йўл билан мустаҳкамлаш, тик қудуқ методини қўллаш						+
43.2.	Қурилишда сув сатҳини пасайтириш ва дренаж					+	
44. Шаҳар инфратузилмаси муҳандислик иншоотлари							
44.1.	Сув қувири, хўжалик-маиший ва ёмғир сувлари канализацияси, газ таъминоти, дренаж, алоқа, электр таъминоти, электр ёритиш, телевидение, радио магистраллари ва тармоқлари	обод қилишдан ва ер ости коммуникацияларидан ҳоли бўлган ҳудудда лойиҳалаштириш ва қуриш			+		
		шаҳар кўчалари ва шаҳарнинг ер ости коммуникациялари мавжуд бўлган обод қилинган қисмларида лойиҳалаштириш ва қуриш				+	
		ер ости ва ер усти иншоотларига, темир йўл ёки метрополитен кесишмаларига бевосита яқин жой-					+

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
		ларда, мураккаб гидрогеологик шароитларда ёпиқ қазиш ва ишларни бажаришнинг махсус методларини қўллаган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш					
44.2.	Алоқани бошқаришнинг, электр энергияси ва бошқа энергия манбаларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари	автоном объект сифатида (лойиҳадаги қурилиш комплексларидан ташқари) лойиҳалаштириш ва қуриш				+	
44.3.	Обод қилинган марказий иссиқлик пунктлари, қозонхоналар					+	
44.4.	Шаҳар транспорт иншоотлари: кўприклар, туннеллар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, пиёдалар ўтиш жойлари, қирғоқ бўйлари, причаллар, темир йўл устидан муҳандислик коммуникациялари ўтказиш учун кўприклар, автомагистраллар, сув тўсиқлари	обод қилишдан ҳоли бўлган ҳудудда лойиҳалаштириш ва қуриш			+		
		обод қилиш давом этаётган районларда лойиҳалаштириш ва қуриш				+	
		ер ости тармоқлари ривожланган районларда лойиҳалаштириш ва қуриш					+
44.5.	Шаҳар транспорт магистраллари, кўчалар, йўллар, трамвай йўллари, мавзе ичидаги кўчалар, транспорт ажратмалари, автомобиллар тўхташ жойлари, жамоат транспорти тўхтаб туриши ва сақланиши учун охириги станциялар ва майдончалар (шу жумладан хизмат кўрсатиш иншоотларига эга бўлган), пиёдалар кўчалари ва парklarдаги хиёбонлар ва йўлакчалар	шаҳарнинг бўш ҳудудида, рельефнинг қиялиги 5 %дан 40%гача бўлган жойларда берилган қизил линиялар, белгилар ва қўндаланг кесимлар бўйича лойиҳалаштириш ва қуриш			+		
		шаҳарнинг обод қилинаётган районларида ёки рельефнинг қиялиги 0%дан 5%гача ва 40%дан ортиқ бўлган жойлардаги қизил линиялар, белгилар ва қўндаланг кесимлар бўйича лойиҳалаштириш ва қуриш				+	
		ирригация тизимлари мавжуд бўлганда ёки қизил линиялар, белгилар ва қўндаланг кесимларга тузатиш киритган ва уларни ишлаб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш					+
44.6.	Коммуникация тоннеллари (ер ости коммуникациялари учун коллекторлар ва иссиқлик тармоқлари	шаҳарнинг бўш ҳудудида ва мавжуд ер ости коммуникацияларидан ҳоли бўлган жойларда лойиҳалаштириш ва қуриш			+		
		шаҳарнинг обод қилинган ҳудудида бошқа ер ости коммуникациялари билан биргаликда ёки ер ости коммуникациялари мавжуд жойларда лойиҳалаштириш ва қуриш				+	

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
		мураккаб гидрогеологик шароитларда махсус методларни, яқка тартибдаги конструкцияларни, ёпиқ қазिश ишларини қўллаган ҳолда, метрополитен ва темир йўл кесишмалари мавжуд бўлган жойларда, коммуникациялар ёнма-ён ётқизилганда лойиҳалаштириш ва қуриш					+
44.7.	Шаҳар сув ҳавзалари				+		
44.8.	Суғориш ва сувни чиқариб юбориш тармоқларида, сунъий сув ҳавзаларида ва бошқалардаги гидротехника иншоотлари					+	
44.9.	Электр коррозиясидан фаол ҳимоя қилиш	катод билан ҳимоя қилиш станциялари ва бошқалар				+	
45. Маҳаллий озик-овқат саноати							
45.1.	Нонвойхоналар				+		
45.2.	Иссиқхона хўжалиги объектлари	мураккаб асбоб-ускуналарсиз		+			
		янги технологиялар ва ускуналарни, автоматлаштирилган бошқариш тизимларини қўллаган ҳолда			+		
45.3.	Консерва, пазандачилик, колбаса, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари					+	
46. Меҳмонхона хўжалиги							
46.1.	Меҳмонхоналар, отеллар	3 йилдузликча				+	
		5 йилдузликча					+
47. Дам олиш ва туризм муассасалари							
47.1.	Палаткали лагерлар, туристлар бошпаналари, тўхташ жойлари, чанғи базалари		+				
47.2.	Кемпинглар, мотеллар, туристик базалар, ёзги лагерлар, дам олиш базалари, альпинистлар бошпаналари			+			
47.3.	Йил бўйи фойдаланиладиган лагерлар				+		
47.4.	Пансионатлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, 500 ўрингача бўлган санаторийлар					+	

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси					
			I	II	III	IV	V	
47.5.	500 ва ундан ортиқ ўринга эга бўлган санаторийлар, олий разрядли туристик комплекслар							+
48. Маданий-маърифий муассасалар								
48.1.	Ўйинлар ва рақслар учун вақтинчалик павильонлар		+					
48.2.	Маданият боғларида ўқув ва кўргазма павильонлари			+				
48.3.	Кўргазма заллари, қишлоқ клублари, музейлар				+			
48.4.	Маданият уйлари, кутубхоналар					+		
48.5.	Миллий галереялар, маданият марказлари, мачитлар							+
49. Жамоат бинолари ва маъмурий бинолар								
49.1.	Маъмурий бинолар, офис бинолари				+			
49.2.	Ҳоқимликлар бинолари, ижтимоий-сиёсий фаолият марказлари, Хукуматга оид бинолар, бизнес комплекслар (марказлар), кўп функцияли ижтимоий комплекслар							+
49.3.	Банклар, биржалар, банклар бўлимлари, ҳисоблаш марказлари					+		
50. Моддий-техника таъминоти объектлари								
50.1.	Қурилиш-монтаж ташкилотлари, жамоат транспорти корхоналари ва шу кабиларнинг ишлаб чиқариш базалари						+	
50.2.	Омборхоналар, ангарлар, омборлар	мавсумий	+					
		йил бўйи фаолият кўрсатадиган				+		
50.3.	Омбор комплекслари	соддалаштирилган, муҳандислик ускуналарига эга бўлмаган		+				
		муҳандислик ускуналарига эга бўлган				+		
51. Маиший хизмат кўрсатиш объектлари								
51.1.	Чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари (корхоналари)							+

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифлар	Мураккаблик тоифаси				
			I	II	III	IV	V
51.2.	Чиқиндиларни қайта юклаш станциялари					+	
51.3.	Кирхоналар, кимёвий тозалаш пунктлари, ҳаммомлар				+		
51.4.	Соғломлаштириш ҳаммомлари	сауналар, турк ҳаммомлари ва бошқалар				+	
52. Жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ муассасалар							
52.1.	Тергов изоляторлари, милиция бўлимлари					+	
52.2.	Ахлоқ тузатиш муассасалари						+

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш бўйича лицензияланадиган фаолиятини
амалга ошириш учун асосий мутахассислар билан мажбурий таъминланганлик
ЖАДВАЛИ**

Мураккаблик тонфалари	Лойиҳаларнинг бош муҳандислари		Лойиҳаларнинг бош архитекторлари			Бош мутахассислар	Етакчи муҳандислар		Муҳан- дислар	Ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар	
	талаб қилинадиган иш стажи										
	10 йилдан ортиқ	5 — 10 йил	3 йилдан 5 йилгача	10 йилдан ортиқ	5 — 10 йил	3 йилдан 5 йилгача	5 йилдан 10 йилгача	3 йилдан 5 йилгача	камида 5 йил	иш стажига талаб йўқ	
А гуруҳи											
1			+			+		+		+	+
2			+			+		+		+	+
3		+			+			+		+	+
4		+			+			+		+	+
5	+			+				+		+	+
Б гуруҳи											
1			+					+		+	+
2			+					+		+	+
3		+						+		+	+
4	+							+		+	+
5	+							+		+	+

Изоҳ.

1. «+» белгиси ходимларнинг мажбурий мавжуд бўлишини кўрсатади. Лицензия талабгори томонидан ҳужжатлар тақдим этилганда «+» ўрнига ходимларнинг амалдаги сони кўрсатилади.

2. Ташкилот таркибида лойиҳалар бош архитекторларининг мавжуд бўлиши бажариладиган ишларнинг хусусияти билан белгиланади.

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини
яратиш фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА


**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш соҳасидаги лицензия
талабгорларининг мажбурий жиҳозланганлик
ТАБЕЛИ**

Мураккаблик тоифалари	Технологик лойиҳалаш ва лойиҳаларни бошқаришнинг замонавий дастурий-техник комплекслари	Муҳандислик тармоқлари бўйича амалий дастурлар	Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун тавсия қилинган дастурий комплекслар	Махсус асбоб-ускуналар*			Бинолар			Ташкилий техника (компьютер, принтер, плоттер, муқовалаш ускунаси ва нусха кўпайтириш техникаси)
				бургулаш техникаси ва асбоб-ускуналари	тупроқ кимёвий лабораторияси	махсус лабораториялар ва асбоблар	архив	1 ходим ҳисобига камида 4 кв. метр майдони бўлган офис	техника адабиётлари кутубхонаси	
А гуруҳи										
1	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
2	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
3	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
4	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
5	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Б гуруҳи										
1	+	+	+	-	-	+	+	+	+	+
2	+	+	+	-	-	+	+	+	+	+
3	+	+	+	-	-	+	+	+	+	+
4	+	+	+	-	-	+	+	+	+	+
5	+	+	+	-	-	+	+	+	+	+

* Махсус асбоб-ускуналар» устуни «Қурилиш объектлари учун муҳандислик-техник тадқиқотларни (муҳандислик-геодезия тадқиқотлари фаолиятдан ташқари) амалга ошириш» ҳамда «Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш» фаолият турларига лицензия олишда тўлдирилади.

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 5-ИЛОВА

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш СХЕМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарорининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 119-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илова 26-бандининг «а» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**225 Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)-
ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаш-
тиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг
ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармонини бажариш юзасидан, якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда келишиш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, тегишли лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш функцияларини юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш бўйича:

уй-жой қуриш ва реконструкция қилишни бошлаш учун дастлабки рухсатнома (лойиҳа) ҳужжатларини тайёрлашни;

турар жойни фойдаланишга қабул қилиб олишни;

кўчмас мулкка ҳуқуқларни Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказишни;

якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)да амалга ошириладиган бошқа тартиботларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қурувчилар якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга ошириш учун рухсатномалар олишни, лойиҳаларни ваколатли органларда келишишни мустақил равишда ёки туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси орқали амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг намунавий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари инспекцияларни, қўшимча штат бирликларини жорий этиш ва юкланган функцияларни самарали бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрган ҳолда, малакали кадрлар билан таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

7. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2 ой муддатда, жойига борган ҳолда республиканинг барча минтақаларида инспекциялар томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш бўйича хизматларнинг бутун комплексини кўрсатиш юзасидан инспекцияларга янгидан юкланадиган функцияларни кенг тадбиркорлар доирасига тушунтириш мақсадида семинарлар ташкил этсин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 апрель,
127-сон

**Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини
рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**226 Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкани бўлиб-
бўлиб реализация қилиш тартибини ўз кучини йўқот-
ган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 843-1*

(2009 йил 5 майдан кучга киради)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., № 5, 63-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПК-66-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан 1999 йил 25 ноябрда 16-сон билан тасдиқланган «Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкани бўлиб-бўлиб реализация қилиш тартиби» ўз кучини йўқотган деб топилсин (1999 йил 1 декабрь, рўйхат рақами 843).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди, Молия вазирлиги ва Марказий банк билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 апрель,
9-сон

Келишилган:

*Олий хўжалик
суди раиси*

Д. МИРЗАКАРИМОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

227 **Битим реестри тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 315-1*

(2009 йил 5 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 29-30-сон, 278-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 14-сон, 110-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 1997 йил 11 мартда тасдиқланган «Битим реестри тўғрисида»ги низом (1997 йил 12 март, рўйхат рақами 315) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Давлат мулки
қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 апрель,
01/23-18/07-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

228 **Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1947*

(2009 йил 7 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш, авиация ҳалокатлари ва бахтсиз ҳодисаларини олдини олиш, ҳаво кемаларининг парвозлари хавфсизлигини таъминлаш ва фуқаролар олдида уларнинг ҳаётлари учун жавобгарликни ошириш мақсадида **бўюраман:**

1. Вақтинча 2010 йил 1 майгача халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг талабларига мувофиқ бўлмаган ёки 25 йил ва ундан ортиқ бўлган календарь хизмат муддатини ўтаган самолётлар учун:

а) Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида рўйхатга олиш;

б) Ўзбекистон Республикаси эксплуатант сертификатига хорижда рўйхатдан ўтган ҳаво кемаларини киритиш тўхтатилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 март,
28-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

229 **Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тас-
диқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948*

(2009 йил 7 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 21-сон);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2003 йил 29 сентябрь, рўйхат рақами 1080-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 17-18-сон);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2007 йил 8 январь, рўйхат рақами 1080-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 17-модда);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2007 йил 7 август, рўйхат рақами 1080-3 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31-32-сон, 337-модда);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2008 йил 31 май, рўйхат рақами 1080-4 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 22-23-сон, 216-модда).

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 март,
7/2-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 2-сонга илова), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 20-сон, 230-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 15-16-сон, 130-модда) қарорига мувофиқ,

банклар томонидан миллий ва чет эл валютасида банк ҳисобварақларини очиш, уларни қайта расмийлаштириш ҳамда ёпиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

банк ҳисобварағи — банк ҳисобварағи шартномасини тузиш орқали банк мижоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк ва мижоз ўртасида вужудга келадиган муносабатларни амалга ошириш воситаси.

жамғарма депозит ҳисобварағи — бу мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

муддатли депозит ҳисобварағи — шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижозларнинг маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

ссуда ҳисобварағи — белгиланган тартибда мижозларга берилган кредитларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи — мижозларнинг биринчи талаби биланоқ бериладиган ёки ундаги ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ.

2. Мижозлар банкларда қуйидаги турдаги банк ҳисобварақларини очишлари мумкин:

- а) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари;
- б) жамғарма депозит ҳисобварақлари;
- в) муддатли депозит ҳисобварақлари;
- г) ссуда ҳисобварақлари;
- д) бошқа депозит ҳисобварақлари.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (бундан кейинги ўринларда асосий ҳисобварақ деб юритилади) ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиламчи ҳисобварақлари ҳисобланади.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда

бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгалар.

4. Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағларни кирим қилиш ва бу маблағлардан фойдаланиш учун бюджет ҳисобварақлари, шунингдек ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини олиб бориш учун талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари очилади.

Марказлашган маблағлар ҳисобидан капитал қурилишни молиялаштириш учун ягона буюртмачига ҳар бир қурилиш объекти бўйича алоҳида иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очилади.

5. Юридик шахслар ўз асосий ҳисобварағини очгандан кейин улар ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда бошқа банкларда миллий ва чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгадирлар.

6. Ўзбекистон Республикаси «Банк сири тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк миждозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

7. Миждозлар томонидан банк ҳисобварақлари очилаётганда, банк ҳисобварағи шартномаси тузилади.

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Банк ҳисобварағи шартномасида банк миждознинг ҳисобварағига келиб тушаётган маблағларни ҳисобвараққа кирим қилиш ва уни киритиб қўйиш, миждознинг ҳисобварақдаги маблағларни тасарруф этиш борасидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, бу борадаги миждоз ҳамда банк ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, банк хизматлари учун тўланиши лозим бўлган комиссиялар ҳамда бошқа шартлар белгилаб олинади.

Банк ҳисобварағи шартномасида миждозларнинг банк ҳисобварағига келиб тушган маблағларни киритиб қўйганлик учун (кредит айланмаси учун) воситачилик ҳақи ундириш борасида шарт белгиланиши тақиқланади.

8. Миждозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка мазкур Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг банклар икки иш куни мобайнида уларга ҳисобварақлар очишлари шарт.

Банклар томонидан ушбу Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Миждозлар ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун банкларда очиладиган ҳисобварақлар учун тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошмаслиги лозим.

9. Хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобварақлар очилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида

маълумот дастурий равишда шакллантирилиб, Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига узатилади.

10. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси, шунингдек, унга киририлган ўзгартиришлар, мижознинг манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги банкка берган хати ва номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, асосий ва иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига ва асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси ҳамда бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар мижознинг юридик йиғмажилдида сақланади.

11. Банкларда мазкур Йўриқноманинг 1-иловада келтирилган шаклга мувофиқ, мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби юритилади. Ушбу китоб рақамланган, ип ўтказиб тикилган, бош банкнинг бош бухгалтери имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шунингдек, мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби компьютерда дастурий тарзда юритилиши мумкин. Бундан ташқари, резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиладиган ҳисобварақларнинг рўйхати такроран алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

II. Миллий валютада талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш тартиби

12. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-илловасида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

в) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

г) мазкур Йўриқноманинг 3-илловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

13. Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-илловасида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) статистика органлари томонидан берилган Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатиغا киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

14. Резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиалларига талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун ваколатхона ва филиаллар томонидан банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) юридик шахснинг илтимосномаси (илтимосномада юридик шахснинг «Солиқ тўловчининг идентификация рақами» ва «Хос рақами» кўрсатилган бўлиши шарт);

в) мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

15. Ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга оширмакчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларга устав капиталини шакллантириш учун давлат рўйхатидан ўтгунларига қадар таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) дастлабки бадалларини киритиш учун миллий ва/ёки чет эл валютасида вақтинчалик (маблағ йиғиш учун) 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи очилиши мумкин.

Вақтинчалик ҳисобварақ очиш учун белгиланган тартибда банкка таъсисчилар (иштирокчилар) номидан ихтиёрий шаклда ҳисобварақ очиш тўғрисида уларнинг ишончли вакили томонидан ариза тақдим қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ушбу хўжалик юритувчи субъектга мазкур Йўриқномага мувофиқ асосий ҳисобварақ очилади ҳамда вақтинчалик ҳисобварақдаги маблағлар ушбу ҳисобвараққа ўтказилади ва вақтинчалик ҳисобварақ ёпилади.

16. Норезидент юридик шахслар (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари) миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) мазкур Йўриқноманинг 4-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

17. Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ва унга тенглаштирилган ҳужжатлар) тақдим қилинади. Ҳисобварақ очиш учун ариза жисмоний шахслар томонидан шахсан тақдим этилиши лозим, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар томонидан жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун мазкур Йўриқноманинг иловаларида келтирилган тегишли шаклдаги ариза тақдим қилинади.

Бунда, жисмоний шахслар томонидан қўшимча равишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилинади.

19. Юридик шахслар бошқа банкларда иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очишда ҳам асосий ҳисобварақ очиш учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Асосий ҳисобварақ очилган банкда қўшимча равишда миллий валютада иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очилишига йўл қўйилмайди, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган мақсадли тадбирлар учун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари асосида очиладиган иккиламчи депозит ҳисобварақлар бундан мустасно.

20. Бошқа депозит ҳисобварақларини очиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

III. Чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш тартиби

21. Мижозлар томонидан чет эл валюталарида ҳисобварақлар очиш учун банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан ушбу Йўриқноманинг 12-бандида келтирилган ҳужжатлар;

б) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар, жумладан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ушбу Йўриқноманинг 13-бандида келтирилган ҳужжатлар;

в) норезидентлар (жисмоний шахслар бундан мустасно) томонидан ушбу Йўриқноманинг 16-бандида келтирилган ҳужжатлар;

г) резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан ушбу Йўриқноманинг 17-бандида келтирилган ҳужжатлар.

Бунда, жисмоний шахслар томонидан қўшимча равишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилинади ва банк томонидан ушбу ҳужжатлардан нусха олинади.

22. Мижозларга битта банкда маълум бир чет эл валютасида фақат битта талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ очилишига рухсат этилади.

23. Ваколатли банкларда резидент ва норезидент жисмоний шахсларга

аризада, кирим касса ордерида ҳамда омонат дафтарчасида омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилмасдан, шунингдек, имзо намунаси расмийлаштирилмай тақдим этувчига тўланадиган омонатлар бўйича чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча ва муддатли депозит ҳисобварақлар «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада мижознинг исм-шарифи сўралмайдиган усулда депозитлар бўйича операциялар бажарилишининг тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 15 март, рўйхат рақами 673) асосан очилиши мумкин.

IV. Кредит шартномаси асосида ҳисобварақларни очиш тартиби

24. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахс томонидан бериладиган кредитнинг муддати, миқдори ва фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда, мижоз учун ссуда ҳисобварағи очиш тўғрисида бухгалтерияга берилган фармойишга асосан шу иш кунидан кечиктирмасдан мижозга ссуда ҳисобварағи очилади.

V. Вакиллик ҳисобварақларини очиш тартиби

25. Банклар учун қўйидаги вакиллик ҳисобварақлари очилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги миллий ва чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварақлари;
- б) резидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари;
- в) норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари.

26. Резидент тижорат банклар миллий ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисобкитоб марказида очадилар.

27. Янги ташкил этилаётган банк таъсисчилари банк рўйхатга олингунга қадар таъсис бадалларини йиғиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ёки бошқа тижорат банкида вақтинчалик 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағини очади.

Вақтинчалик ҳисобварақни очиш учун ваколатли шахс таъсисчилар номидан ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қилади.

Банкларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олиниб, банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия берилгандан кейин мазкур Йўриқноманинг 26 ва 28-бандларига мувофиқ вакиллик ҳисобварағи очилади.

Вакиллик ҳисобварағи очилаётганда, вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади.

28. Тижорат банки миллий валютада вакиллик ҳисобварағи очиш учун қўйидагиларни тақдим қилади:

- а) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

в) банк операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;

г) статистика органлари томонидан берилган Корхона ва ташкилотнинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

д) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

29. Резидент банкларга чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияси бўлган ҳолдагина бошқа резидент ваколатли банкларда очилади.

30. Ваколатли резидент банклар учун хорижий банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиш «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартиби»га (1999 йил 22 январь, рўйхат рақами 610) мувофиқ амалга оширилади.

31. Норезидент банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида вакиллик ҳисобварақларини очиш учун қўйидагилар тақдим қилинади:

а) норезидент банкнинг тўлиқ номи ва уни рўйхатдан ўтказган давлатдаги юридик манзили кўрсатилган ҳолда ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза (3-илова);

б) имзолар ва муҳр изи қўйилган варақча ҳамда мазкур давлатнинг Марказий (Миллий) банки томонидан берилган лицензиянинг легаллаштирилган нусхаси.

VI. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча

32. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча икки нусхада тақдим қилинади. Варақчанинг бир нусхаси бухгалтерда, иккинчиси эса пул чекларини расмийлаштирувчи назоратчида туради. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча нотариал тасдиқланади. Уларнинг ваколатхона ва филиалларининг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари ҳам нотариал тасдиқланади, тасдиқни талаб қилмайдиган давлат муассасалари ва норезидент банкларнинг имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари бундан мустасно.

Банкларда мижозларнинг бир нечта ҳисобварақларига хизмат кўрсатиладиган бўлса, улардан қўшимча равишда имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари юкорида кўрсатилган тартибда талаб қилиниши мумкин. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчаларда ҳисобварақларнинг рақамлари кўрсатилади.

33. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, юридик шахс раҳбари имзолар намуналари варақчасига киритиладиган имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга — раҳбарлик вазифалари-

ни амалга оширувчи шахслар, иккинчисига — бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Имзолар намунаси ва асосий муҳр изи қўйилган varaқча нотариал тасдиқланади.

Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжалиги раҳбари ва якка тартибдаги тадбиркорлар муҳри бўлмаган ҳолларда, ўзларининг нотариал тасдиқланган имзолари намуналарини тақдим қиладилар.

Тўловга тақдим этиладиган чекларнинг рақамларини текшириш мақсадида банк мижозларга берган пул чеклари рақамларини масъул ижрочи ва назоратчилардаги мижозларнинг имзолари ҳамда муҳр излари намунаси кўрсатилган varaқчада қайд этилади.

34. Мижозлар имзоларни бевосита ўз қўллари билан қўйишлари шарт (факсимиле имзо муҳри қўйилишига йўл қўйилмайди).

Биринчи имзо ҳуқуқи иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бош бухгалтер ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

35. Раҳбар шахсларга вақтинча биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берилганда, шунингдек, раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бирортаси вақтинча ўзгарганда, вақтинча ваколат берилган шахснинг имзо намунаси қўйилиб, амал қилиш муддати кўрсатилган қўшимча varaқча тақдим қилинади. Ушбу вақтинчалик varaқча раҳбар томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади.

36. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган varaқчага юридик шахсларга берилган асосий муҳр ёки юридик шахс филиалининг ёхуд ваколатхонасининг муҳр изининг намунаси қўйилиши шарт. Махсус мақсадлар учун, масалан, «Пакетлар учун», «Рухсатномалар учун», «Девонхона» ва шу кабиларга мўлжалланган муҳрлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Муҳр алмаштирилганда ёки йўқолиб қолганда, мижоз томонидан биринчи ва иккинчи имзо ҳуқуқи берилган шахслар томонидан раҳбари ва бош бухгалтери (агар мижоз якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бўлса — якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи) томонидан имзоланган илтимоснома асосида банк филиали раҳбари томонидан муҳр тайёрлатиш учун зарур бўлган муҳлат берилади. Ушбу муҳлат бир календарь ойдан ошиши мумкин эмас. Бир вақтнинг ўзида у муҳр бўлмаган вақтда ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар муҳр изисиз топширилишига рухсат беради. Бундай ҳолларда банк раҳбари ёки бош бухгалтери имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган varaқчага тегишли қайдларни киритади.

37. Юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатадиган деҳқон хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг юридик манзили — уларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-сида кўрсатилган манзил ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг манзили — унинг шахсини тасдиқловчи ёки унга тенглаштирилган ҳужжатда қайд этилган рўйхатга олинган манзили ҳисобланади.

Ҳисобварақ эгаси ўз манзилининг ўзгарганлиги тўғрисида ўзининг ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка беш иш куни давомида ёзма хабар бериши шарт.

38. Юридик шахснинг муҳри ўзгарганда, варақчада кўрсатилган имзолардан бирортаси алмаштирилганда ёки қўшилганда, ҳисобварақ эгаси нотариал тасдиқланган янги имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчани тақдим қилади. Бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар юридик шахснинг юридик йиғмажилдига тикилади.

VII. Мижознинг юридик йиғмажилдида ўзгаришларни расмийлаштириш тартиби

39. Қайта ташкил этилиши натижасида янги ташкил этилган юридик шахсларга ҳисобварақлар ушбу Йўриқномада кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши асосида очилади.

Номи ўзгарган тақдирда, мижоз банкка рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган, номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини тақдим қилади.

40. Юридик шахсга нисбатан санация эълон қилинганда, унинг ҳисобварақлари бўйича юзага келадиган муносабатлар «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида»ги низом (2006 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 1636) асосида тартибга солинади.

41. Юридик шахс тугатилаётганда, унинг барча банк ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади. Бундай ҳолда, банкка тугатиш комиссиясининг амал қилиш муддати кўрсатилган корхонани тугатиш тўғрисидаги қарор ҳамда тугатиш комиссияси раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари намуналари қўйилган варақча нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим қилинади.

VIII. Мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш

42. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиши учун у давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ҳамда бошқа тўловлар бўйича ўзининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма маълумотномасини тақдим этиши шарт. Акс ҳолда асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказишга йўл қўйилмайди.

43. Асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш учун мижоз томонидан хизмат кўрсатувчи банкка ариза тақдим этилади ва чек дафтарчалари қайтарилади. Шундан сўнг банк мижознинг ҳисобварағидаги қолдиқни ёзма равишда тасдиқлайди.

Мижоз асосий ҳисобварағи ёпилаётган банкдан олинган тасдиқномани ариза билан бирга асосий ҳисобварақ очилаётган банкка тақдим этади. Ушбу

аризага асосан, асосий ҳисобварақ очилаётган банк мижозга вақтинчалик 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағини очади ва бу тўғрисида мижоз ҳамда ҳисобварақ ёпилаётган банкка ёзма равишда хабар беради.

44. Мижоз вақтинчалик ҳисобварақ очилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг асосий ҳисобварақ ёпилаётган банкка асосий ҳисобварақдаги мавжуд маблағлар қолдиғини асосий ҳисобварақ очилаётган банкдаги вақтинчалик очилган ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисида тўлов топшириқномаси тақдим этади. Асосий ҳисобварақни ёпаётган банк мижоз юридик йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги (агар, мавжуд бўлса) тўлов ҳужжатлари рўйхатини киритиб, ушбу ҳужжатлар асосий ҳисобварақ очаётган банкка топширилганлиги ҳақида икки нусхада далолатнома тузади. Далолатнома банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади.

Далолатноманинг ҳар икки нусхасига мижознинг юридик йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари илова қилиниб, почта, фельдъегер алоқаси ёки курьер орқали асосий ҳисобварақ очилаётган банкка етказиб берилади.

Асосий ҳисобварақни очаётган банк ушбу далолатномага илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиб олгандан кейин мазкур далолатномага илова қилинган юридик йиғмажилддаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхаларини олганлигини тасдиқлаб, банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади. Далолатноманинг бир нусхаси почта, фельдъегер алоқаси ёки курьер орқали асосий ҳисобварақ ёпилаётган банкка етказиб берилади.

Ушбу ҳужжатларни ҳисобварақ эгаси ёки учинчи шахслар орқали бериб юбориш қатъиян тақиқланади.

45. Далолатноманинг асосий ҳисобварақ очаётган банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва муҳр қўйилган нусхаси олингандан кейин мижоз томонидан ёпилаётган асосий ҳисобварақдаги маблағларни ушбу ҳисобварақ очилаётган банкда очилган вақтинчалик ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси ижро қилинади.

Асосий ҳисобварақни ёпаётган банк бериб юборилган барча ҳужжатлардан нусха кўчириб, белгиланган тартибда ўз архивида сақлайди.

Асосий ҳисобварақни очаётган банк ушбу ҳисобварақни ёпаётган банкдан ҳужжатлар ва маблағларни олгандан кейин мижозга янги асосий ҳисобварақни очади, унга вақтинчалик ҳисобварағидаги қолдиқни ўтказиши ва мазкур вақтинчалик ҳисобварақни ёпади.

Асосий ҳисобварақ ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ахборотлар базасида икки ой давомида сақланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ўтказилган асосий ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот архивланади ва белгиланган тартибда сақланади, шу билан бир вақтда, мазкур ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот базадан ўчирилади.

Ўтказилган асосий ҳисобварақ бўйича келиб тушган тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилгач, қуйидаги мазмундаги хабар билан

жўнатувчига қайтарилади: «Ҳисобварақ ёпилди. _____ банкнинг _____ филиалига муружаат қилинг».

IX. Асосий ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиш ва ҳисобварақни ёпиш

46. Асосий ҳисобварақ бўйича операциялар фақат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда, пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибда амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

Юқоридаги тартибда хатланган ёки тўхтатилган ҳисобварақларни (ҳам асосий, ҳам иккиламчи) бошқа банкларга ўтказиш ҳамда ушбу ҳисобварақлар эгаларининг бошқа ҳисобварақларни очишига йўл қўйилмайди.

47. Банк ҳисобварағи шартномаси ҳисобварақ эгасининг аризасига ёки банкнинг талабига кўра бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси суд орқали қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

1) мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк томонидан бу ҳақда мижозни огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

2) банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар амалга оширилмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олингандан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

48. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари — юридик шахслар ихтиёрий тугатилаётганда, хабардор қилиш муддатидан бошлаб:

а) уларнинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар — тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпадилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида улардаги мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағига ўтказадилар;

б) уларнинг хорижий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобва-

рақларига хизмат кўрсатувчи банклар — тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпадилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг унинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағи очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ёки бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, агар уларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, ўтказадилар;

в) юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк тугатиш жараёни тугаганидан сўнг тугатувчининг аризасига асосан бир иш куни давомида асосий ҳисобварағини ёпади ва тугатувчига асосий ҳисобварақнинг ёпилиши ҳақида маълумотнома беради.

49. Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари — уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно), банклар уч кунлик муддат ичида бундай корхоналар ҳақида улар ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун ахборот беришлари шарт.

Суднинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги тегишли қарори тақдим этилганда, банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларини ёпадилар. Бунда, корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Корхоналарнинг банкка тўлаш учун тақдим этилган кредиторлик қарзи эса алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ёпилгандан сўнг уларнинг номига келиб тушадиган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга тўпланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини тўлашга, қолган суммалар эса уларнинг кредиторлик қарзларини календарь навбатида тўлашга йўналтирилади.

Корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақлардаги маблағлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз 29842 — «Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига кирим қилинади ва банкка тўлов учун тақдим этилган корхонанинг кредиторлик қарздорлиги алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия томонидан корхона кейинги фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб ушбу корхонанинг ҳисобварақлари тегишлича корхонанинг ўз тасарруфига ёки тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади.

50. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи ёпилаётганда,

олдиндан у билан боғлиқ бўлган барча ҳисобварақлар ёпилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобварақни ёпиш мўлжалланаётгани тўғрисида солиқ ва божхона органларига хабар берилади, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдидаги қарзлари тўғрисида маълумот сўралади. Солиқ ва божхона органлари томонидан банкка хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдида мажбуриятлари йўқлиги тўғрисидаги хабарнома (маълумотнома) тақдим қилингандан кейин мижознинг чек дафтарчаси фойдаланилмаган чеклари ва фойдаланилган чекларнинг милклари билан қайтарилади. Шундан кейин, мижознинг фойдаланилмаган чеклар рақамлари кўрсатилган аризасига асосан ҳисобварақни ёпиш кунда қолдиқ тасдиқланган ҳолда ҳисобварақ ёпилади.

51. Ёпилаётган, шунингдек, бошқа банкларга ўтказилаётган ҳисобварақлар бўйича фойдаланилмаган чекларни мижозлардан фақат бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бош бухгалтер ва унинг ўринбосари топширилган ҳар бир чекнинг имзо қўйиладиган қисмини қирқиб олиш йўли билан уларни дарҳол сўндириши зарур. Шундан кейингина чеклар унга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. ижрочи ҳисобварақни ёпиш учун тақдим қилинган тўлов топшириқномасини дастурий йўл билан киритиши ҳамда уни текшириш ва имзолаш учун бош бухгалтерга ёки унинг ўринбосарига тақдим этиши шарт.

52. Ҳисобварақлар ёпилаётганда ва улардаги тегишли маблағлар қолдиғи «Бошқа дебиторлик ҳисобварақлар»ига кириш қилинганда, банк бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари ёпилаётган ҳисобварақдан мижозга охириги марта кўчирма берилган кундан бошлаб ушбу ҳисобвараққа киритилган барча ёзувларни ҳужжатлар бўйича синчиклаб текшириши, ссуда ва банк хизматлари учун ҳисобланган ҳамда тўланган фоизларни инobatга олган ҳолда чиқарилган охириги қолдиқнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва ёпилаётган ҳисобвараққа тегишли ёзувларни киритиб, имзо чекиши шарт.

Ҳисобварақ ёпилгандан сўнг банк мижозга (мижоз тугатилганда — таъсисчиларга) барча тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларнинг қолдиғи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

53. Бошқа депозит ҳисобварақларнинг барчаси мижознинг аризасига асосан исталган вақтда ёпилади. Бунда, ушбу мижозга очилган махсус ҳисобварақлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёпилади.

Ссуда ҳисобварақлари банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахснинг фармойишига асосан берилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови тўлиқ амалга оширилгандан кейин ёки ссуда ҳисобварағининг кредит қолдиғи кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилгандан кейин ёпилади.

54. Мижоз мажбурий тугатилганда, мижознинг асосий ҳисобварағи тугатиш комиссияси номига расмийлаштирилади ва унинг тасарруфига ўтказилади. Асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкка мижозни тугатиш тўғрисида қарорни, шунингдек, тугатиш муддати кўрсатилган ва тугатиш комиссиясини тузган ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланган раҳбар ҳамда бош бухгалтернинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча

тақдим этилади. Мижознинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи бошқа банкларга тугатиш муддати кўрсатилган тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси тақдим этилади. Шундан сўнг барча иккиламчи ҳисобварақлар ёпилади ва ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар мажбурий равишда тугатиш комиссиясига расмийлаштирилган асосий ҳисобвараққа ўтказилади.

55. Тугатиш комиссияси ўз ишини яқунлаганидан кейин ўз ҳисобварағини ёпиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) хўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг ҳулосаси;

б) рўйхатдан ўтказган идоранинг Давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарори нусхаси;

в) фойдаланилмаган чеклар ва фойдаланилган чекларнинг милклари билан чек дафтарчаси.

56. Тугатиш комиссиясининг ҳисобварағида тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларининг кредит қолдиғи мавжуд бўлса, ушбу қолдиқ мижозларнинг таъсисчиларига ёки тугатиш комиссиясининг ва тугатилган мижознинг таъсисчилари мажлисининг қарорига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

57. Ҳисобварақ ёпилганлиги учун ҳақ олинмайди.

58. Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари банкларни тугатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ёпилади.

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

18 (362)-сон

**Мижозларга очилган ҳисобварақларни рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Мижознинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами	Ҳисобварақ очилган сана	Ҳисобварақ рақами	Ҳисобварақ ёпилган сана	Ҳисобварақни ёпиш учун асос

— 57 —

229-модда

Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари
тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

_____ банкнинг
(банкнинг номи)
_____ филиалига
_____ дан
(аризачининг номи)

А Р И З А

_____ (ҳисобварақ эгасининг номи)
_____ номига _____ да
(валютанинг номи)
_____ ҳисобварақ
(талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма депозит ва бошқ.)
очишингизни сўрайман.

Манзил _____

20__ й. «__» _____
(тўлдирилган сана) (раҳбарнинг имзоси)

_____ (бош бухгалтернинг имзоси)

М.Ў.

БАНКНИНГ БЕЛГИСИ

Ҳисобварақни очиш ҳужжатларини текширдим: бош бухгалтер _____
(имзо)
_____ да _____
(валютанинг номи) (талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма депозит ва бошқ.)
_____ ҳисобварақ очишга рухсат бераман.

Бошқарувчи _____
(имзо)

Ҳисобварақ 20__ йил «__» _____да очилди.

Ҳисобварақ рақами _____.

Бошқа белгилар _____

**Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган
ВАРАҚЧА**

Ҳисобварақ эгаси _____
(тўлиқ номи)

Манзили _____

Юқори ташкилотининг номи _____

(вазирлик, идора, марказий муассаса ва бошқ.)

Ҳисобварақ бўйича операциялар бажарилаётганда
маълум қилинаётган имзолар ва муҳр намуналарини шарт
деб ҳисоблашингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари
тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

БАНК БЕЛГИСИ

Имзолар намуналарини қабул қилишга рухсат

Бош бухгалтер _____
ёки унинг ўринбосари _____
(имзо)

Сана: 20__ йил «__» _____.

БОШҚА БЕЛГИЛАР

Тескари томони

_____ Ҳисобварақ рақами _____

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо намуналари
Биринчи имзо		
Иккинчи имзо		

Биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқидан вақтинча фойдаланувчи мансабдор шахслар ваколат муддатлари

Муҳр изи намунаси

Ваколат ва имзоларни тасдиқлаган хўжалик юритувчи субъект муҳрининг ўрни

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари _____
(имзо)

Устав (низом) асосида фаолият юритувчи раҳбарнинг ваколатлари ва имзосини тасдиқлайман _____

(юқори ташкилот раҳбари ёки раҳбар ўринбосарининг лавозими, Ф.И.О. ва имзоси)

Нотариуснинг тасдиқ устхати*

Мен, _____ нотариал
(номи)

идорасининг нотариуси _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

фуқаролар _____
(ҳисобварақ эгаси — ташкилотнинг раҳбари ва

_____ нинг
бош (катта) бухгалтери)

имзолари ҳақиқийлигини тасдиқлайман.

_____ шаҳри Сана: 20__ йил «__» _____

М.Ў. Рўйхат бўйича № _____ Нотариус _____
(имзо)

Берилган чек дафтарчалари					
Сана	№ дан	№ гача	Сана	№ дан	№ гача

* Ваколат ва имзолар юқори ташкилот томонидан тасдиқланмаган ташкилотларнинг ҳисобварақлари бўйича талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари
тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

**Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган
ВАРАҚЧА**
(норезидентлар учун)

_____ (ҳисобварақ эгасининг номи)

Манзил _____
_____ банкнинг _____ филиалига
_____ -рақамли ҳисоб-
варақ бўйича операцияларни амалга оширишда шарт бўлиши ҳисобланади-
ган бизнинг номимиздан ҳужжатларни имзолашга (шахсан/биргаликда)
ваколат берилган шахсларнинг имзолар намуналарини, шунингдек, муҳр
намунасини маълум қиламиз.

Фамилияси, исми, отасининг исми	Лавозими	Имзо намунаси	Муҳр намунаси	Алоҳида белгилар

20__ й. «___» _____

Ваколатли ҳисобварақ эгасининг имзоси _____

БАНКНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Ҳисобварақ рақами _____

Валюта _____

Ҳисобварақ очилган сана 20__ й. «___» _____

Имзолар намуналарини қабул қилишга рухсат бераман:

Банкнинг бош бухгалтери

ёки унинг ўринбосари _____

(имзо)

Бошқа белгилар _____

Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари
тўғрисидаги йўриқномага
5-ИЛОВА

_____ банкнинг
(банкнинг номи)
_____ филиалига
(аризачининг фамилияси, исми, отасининг исми)
_____дан

А Р И З А

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)
_____НОМИГА _____да
(валютанинг номи)
_____ ҳисобварақ
(талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма депозит ва бошқ.)
очишингизни сўрайман.

_____ -рақамли ҳисоб-
варағим бўйича операцияларни амалга оширишда шарт бўлиши ҳисоблана-
диган имзоларим (Мен томондан ваколат берилган шахсларнинг имзолари)
намуналарини маълум қиламан.

Сана: 20__ й. «__» _____
(ҳисобварақ эгасининг имзоси)

БАНКНИНГ БЕЛГИСИ

Ҳисобварақ очиш бўйича ҳужжатларни текширдим:

бош бухгалтер _____

(имзо)

_____ да _____

(валютанинг номи)

(талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма депозит ва бошқ.)

_____ ҳисобварақ очишга рухсат бераман.

Бошқарувчи _____

(имзо)

Ҳисобварақ 20__ йил «__» _____ да очилди.

Ҳисобварақ рақами _____.

Бошқа белгилар _____

Омонат дафтарчасининг рақами _____

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДAVЛAT COЛИҚ ҚЎMITACИНИНГ
ҚAPOPИ

230 «Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1576-1*

(2009 йил 8 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й, 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ПҚ-815-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 10-11-сон, 58-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 12 майдаги 43 ва 2006-27-сон билан тасдиқланган «Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2006 йил 31 май, рўйхат рақами 1576 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2006 й., 22-сон, 198-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 21 апрель,
45-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 21 апрель,
2009-18-сон

Б. ПАРПИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

231 «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1949*

(2009 йил 8 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 14 ноябрдаги 247-сонли қарорига ҳамда 1998 йил 6 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Машина ва асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги низомга асосан тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини беришни тартибга солиш мақсадида **буюраман:**

1. «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш тартиби тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг (ўн) кундан кейин кучга киради.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 март,
53-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2009 йил 30 мартдаги 53-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тракторлар, ўзиюар шассилар, трактор тиркамалари ва
мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш,
қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва
уларни алмаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 январдаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги машина ва асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1998 й., 1-сон, 1-модда) ҳамда 2008 йил 14 ноябрдаги 247-сон «2009 йилда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги қарорларига асосан тракторлар, ўзиюар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом талабларини бажариш мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда фуқаролар (бундан кейинги ўринларда машина эгалари деб юритилади) учун мажбурийдир.

2. Тракторлар, ўзиюар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини (бундан кейинги ўринларда машиналар деб юритилади), рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан чиқариш, техник хужжатлар ва давлат рақами белгиларини бериш Давлат техника назорати инспекциясининг туман ва шаҳар инспекциялари (бундан кейинги ўринларда «Давтехназорат» инспекциялари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Машина эгалари томонидан машиналар сотиб олинганда ёки қабул қилиб олинганда, шунингдек техник хужжатларга ўзгартиришлар киритиш лозим бўлганда, машинанинг техник ҳолатидан қатъи назар, 10 кун ичида «Давтехназорат» инспекцияларига мурожаат этишлари шарт.

4. Нотариуслар томонидан тасдиқланган машиналарни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ ишончномалар ва ижарага бериш шартномалари нотариал тартибда тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 кун ичида рўйхатдан ўтказиш учун «Давтехназорат» инспекцияларига тақдим этилади. Ишончномалар

ни ва ижара шартномасини ҳисобга қўйиш «Давтехназорат» инспекциялари томонидан белгиланган тартибда, тўлов ундирилмасдан амалга оширилади.

5. Машиналарни рўйхатдан ўтказишда «Давтехназорат» инспекциялари томонидан машинанинг техник ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга машина тури, русуми, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, агрегатлар рақами, шунингдек машинани қайта рўйхатдан ўтказишда давлат рақам белгисининг мувофиқлиги текширилади.

6. Машиналарни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказишда, техник ҳужжатлар ва давлат рақами белгисини беришда, шунингдек рўйхатдан чиқаришда «Давтехназорат» инспекциялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Машина ва асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг белгиланган коэффицентлари миқдорида йиғимлар ундирилади.

7. Машиналарни рўйхатдан ўтказиш ва бошқа ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳужжатлар тўплами «Давтехназорат» инспекцияларида камида 3 йил муддат давомида сақланади (қайд этиш китоблари, қатъий ҳисобдаги «Давтехназорат» инспекциялари бланклари ва рақам белгиларининг кирим-чиқим дафтарлари бундан мустасно).

8. Машиналардан техник ҳужжатларсиз ва давлат рақам белгиларисиз фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

II. Машиналарни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби

9. Машиналарни рўйхатдан ўтказиш учун машина эгалари «Давтехназорат» инспекцияларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

мазкур Низомнинг 1, 2-иловаларига мувофиқ ариза;

машинанинг қонуний сотиб олинганлиги ёки берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

машина ишлаб чиқарилган заводлар томонидан берилган техник ҳужжатлар;

хорижий давлатлардан олиб келинган машиналарнинг божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

10. Машиналар қуйидаги ҳолларда қайта рўйхатдан ўтказилади:

Машиналарнинг турган ўрни ёки машина эгаларининг яшаш жойи ўзгарганда, қуйидаги ҳужжатлар асосида:

мазкур Низомнинг 1, 2-иловаларига мувофиқ ариза;

техник ҳужжатлар (техник паспорт, техник талон);

машиналарнинг турган ўрни ўзгаришига асос бўлган ҳужжат (буйруқ, ижара шартномаси, ҳокимлик қарори);

машиналар турган ўрнининг «Давтехназорат» инспекциялари томонидан техник кўриқдан ўтказилганлиги ҳақидаги далолатнома;

жисмоний шахслар учун паспорт.

Машина эгаларининг номи ўзгарганда қуйидаги ҳужжатлар асосида:

мазкур Низомнинг 1, 2-иловаларига мувофиқ ариза;

номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (номини ўзгартириш тўғрисида юқори турувчи орган ёки корхона, ташкилот ва муассасанинг қарорлари, фармойишлари ва буйруқлари);

жисмоний шахслар учун паспорт, фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик ҳолатини қайд этиш органи ёки суд органи томонидан берилган ҳужжат).

Машина эгалари ўзгарганда қуйидаги ҳужжатлар асосида:

мазкур Низомнинг 1, 2-иловаларига мувофиқ ариза;

нотариал идоралари томонидан берилган олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, лизинг, сублизинг шартномалари, ворислик, мерос ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар;

суд қарори;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси идоралари томонидан берилган ордер;

корхона, ташкилот ва муассасанинг рўйхатида бўлган машиналарни балансдан балансга ажратилганлиги тўғрисидаги қарорлари ва буйруқларининг нусхалари;

бир вазирликка қарашли ва бир молиявий тизимдаги ташкилотлар учун юқори органларнинг «Давтехназорат» инспекциялари рўйхатида бўлган машиналарнинг балансдан балансга бепул ажратилганлиги тўғрисидаги буйруғидан нусха.

Машинанинг рақамли агрегатлари ўзгарганда қуйидаги ҳужжатлар асосида: мазкур Низомнинг 1, 2-иловаларига мувофиқ ариза;

рақамли агрегатлар қонуний сотиб олинганлиги тўғрисида ҳужжат (ҳисоб-маълумотнома, олди-сотди шартномаси, божхона гувоҳномаси, кирим касса ордери ва юк хати).

III. Машиналарни рўйхатдан чиқариш тартиби

11. Машиналар қуйидаги ҳолларда рўйхатдан чиқарилади:

машиналар фойдаланишга яроқсиз деб топилганда;

машиналарнинг белгиланган хизмат муддати тугаганда.

12. Рўйхатдан чиқарилган машиналарнинг давлат рақам белгилари «Давтехназорат» инспекцияларига топширилади, техник ҳужжатларга ва қайд қилиш китобида тегишли белгилар қўйилади.

IV. Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган давлат рақам белгилари, техник ҳужжатлар ўрнига янгисини бериш тартиби

13. Яроқсиз ҳолга келган ёки йўқотилган техник ҳужжатлар ва давлат рақам белгилари ўрнига янгиси машина эгаларининг аризасига давлат йўл

ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан техник ҳужжатлар ва давлат рақам белгилари олиб қўйилмаганлиги тўғрисида тегишли белги қўйилгандан сўнг ҳужжатга «Дубликат» сўзи ёзиб берилади.

Янги техник ҳужжатлар ва давлат рақам белгилари машина техник кўриқдан ўтказилгандан сўнг берилади.

14. Яроқсиз ҳолга келган давлат рақами белгилари, техник ҳужжатлар «Давтехназорат» инспекциялари томонидан тегишли далолатномалар тузилган ҳолда чиқимга чиқарилади.

V. Рўйхатдан ўтказилган машиналар тўғрисидаги йиллик маълумотни тақдим этиш тартиби

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Машина ва асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси томонидан «Давтехназорат» инспекцияларида рўйхатдан ўтказилган машиналар тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиб, ҳар йили 20 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига тақдим этилади.

VI. Яқуний қоида

16. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва «Ўзагроماشсервис» уюшмаси билан келишилган.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 30 март*

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Ғ. ҚУДРАТОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 30 март*

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 30 март*

Ўзбекистон Фермер
хўжаликлари уюшмаси раиси

А. ОРИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 март

«Ўзагромашсервис»
уюшмаси раиси

Б. АБДУҚОДИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 март

Штамп

1-ИЛОВА

(туман, шаҳар, Давлат техника

назорат инспекцияси бошлиғи)

А Р И З А

Сиздан _____
(сўровнинг қисқача мазмуни)

аризада қуйидаги ҳужжатларни илова қиламиз:

1. Машинани олинганлиги ҳақидаги фактура № _____
«___» _____ 20__ й. _____ дан берилган.

2. Машина чиқарилган заводдан берилган техник паспорт

Олинган машина ҳақида маълумот:

1.	Тури, номи		2.	Русуми	
3.	Чиққан йили		4.	Чиқарган завод	
5.	Техник паспорт №		6.	Завод №	
7.	Двигатель №		8.	Шасси №	

Хўжаликка келтирилган вақти _____

(машина қачон ва қердан олинган)

хужжатларни расмийлаштириш қўйидаги шахсга топширилади _____га

(лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

ишонч билдирилади, ҳамда шахснинг _____
имзоси тасдиқланади.

Раҳбар _____ М.Ў. _____
(фамилияси, исми) (имзо)

Бош ҳисобчи _____ М.Ў. _____
(фамилияси, исми) (имзо)

Давлат техника назорати инспекциясининг белгилари

Берилди: 1. Давлат рақам белгиси № _____
серияси _____
2. Техник паспорт № _____
серияси _____

Расмийлаштирилган сана «___» _____ 20___ йил.

_____ «Давтехназорат»
инспекцияси бошлиғи _____
(имзо) (фамилияси, исми)

Штамп

2-ИЛОВА

_____ (туман, шаҳар, Давлат техника

назорат инспекцияси бошлиғи)

_____ йилда туғилган фуқаро _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (яшайдиган манзилгоҳи)

фуқаролик паспорти № _____ серияси _____
_____ «___» _____
20___ й.да берилган.

Тураб жойи _____
(паспортда кўрсатилган жойи)

иш жойи _____

(касби, лавозими, вазифаси)

А Р И З А

(сўровнинг қисқача мазмуни)

Олинган машина ҳақида маълумот:

1.	Тури, номи		2.	Русуми	
3.	Чиққан йили		4.	Чиқарган завод	
5.	Техник паспорт №		6.	Завод №	
7.	Двигатель №		8.	Шасси №	

(машина қачон ва қаердан олинган)

Аризага куйидаги ҳужжатларни тақдим этаман:

1. _____
(машинани, ҳар бир жиҳоз ва агрегатни қонуний сотиб олинганлигини

тасдиқловчи ҳужжатлар)

2. Яшаш жойидан маълумотнома _____ 3. Фуқаролик паспорти
«___» _____ 20___ й. _____
(имзо) (фамилияси, исми)**Давлат техника назорати инспекциясининг белгилари**Берилди: 1. Давлат рақам белгиси № _____
серияси _____
2. Техник паспорт № _____
серияси _____

Расмийлаштирилган сана «___» _____ 20___ йил.

_____ «Давтехназорат»
инспекцияси бошлиғи _____
(имзо) (фамилияси, исми)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

232 Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1950

(2009 йил 9 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 173-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ғ. ШОУМАРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 март,
4/4-сон

**Давлат тест
маркази директори**

Б. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 март,
01-11К/Қ-сон

Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест
марказининг 2009 йил 27 мартдаги 4/4,
01-11Қ/Қ-сонли қўшма қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим
муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат
ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар
қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2008 йил 7 августдаги 173-сон «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари (бундан кейинги ўринларда ихтисослаштирилган синф деб юритилади), давлат ихтисослаштирилган мактаблари ва мактаб-интернатларга (бундан кейинги ўринларда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси деб юритилади) ўқувчилар қабул қилиш ва уларни ушбу ихтисослаштирилган синф ҳамда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасидан ўқишдан четлатиш тартибини белгилайди.

Ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига тегишли синфни муваффақиятли яқунлаган, чуқурлаштириб ўқитиш белгиланган ўқув фанларидан муайян қобилиятини кўрсата олган ўқувчилар танлов натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази томонидан қўшма буйруқ билан белгиланган квота доирасида қабул қилинади.

II. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

1. Ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ҳужжатлар 2-синфлар учун 1 апрелдан 20 майгача, 5-синфлар учун 25 майдан 20 июнгача (шу кун ҳам) қабул қилинади.

2. Ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш, сақлаш ва танловда иштирок этувчи ўқувчилар рўйхатини шакллантириш ҳамда қабулга оид ҳисоботларни тайёрлаш учун ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида ёки умумтаълим мактабларида камида 5 кишидан иборат қабул комиссиялари тузилади. Қабул комиссияси директор, директор ўринбосарлари, фан ўқитувчилари ва ота-оналар қўмитаси вакилларидан иборат таркибда тузилади. Ихтисослаштирилган умумтаълим муасса-

саси ёки умумтаълим мактаби директори қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

3. Ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим мактабга жорий ўқув йилида 1-синфини тугатган ўқувчилар 2-синфга танлов асосида қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатига жорий ўқув йилида 4-синфни тугатган ўқувчилар 5-синфга танлов асосида қабул қилинади.

4. Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси ва умумтаълим мактаби маъмурияти ўқувчилар танловининг сифатли ва рақобатли ўтказишга эришиш мақсадида танлов бошланишидан камида 2 ой олдин танлов ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради.

5. Танловда иштирок этиш учун ўқувчилардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади.

а) ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси ёки умумтаълим мактаби директори номига ариза;

б) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) № 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

г) 3 х 4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;

д) психологик-педагогик ташхис дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома;

е) турар жойидан маълумотнома;

ё) истеъдод ва иқтидорини кўрсатувчи ишларидан намуналар таълим соҳаси бўйича (нашр этилган ёки қўлёзма сифатида ёзилган шеърлар, ҳикоялар, расмлар ва шу кабилар).

6. Ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасида тасдиқланган режа асосида мурожаат қилувчилар учун доимий равишда маслаҳат бериб борилади.

III. Танлов ишларини ўтказиш тартиби

7. Ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар Давлат тест маркази томонидан тегишли фанлар бўйича ўтказиладиган тест натижаларига ҳамда психологик-педагогик диагностика хулосалари асосида танлаб олинади.

8. Тест синовии материаллари ва методикаси Давлат тест маркази, психологик-педагогик диагностика материаллари ва методикаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида Халқ таълими вазирлиги томонидан шакллантирилади.

Тест синовлари Давлат тест маркази томонидан, психологик-педагогик диагностика Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилади.

9. Тест синовлари 2-синфда 40 минут, 5-синфда 60 минут давом этади.

Тест синовлари бошланишига қадар 20 дақиқагача тушунтириш ишла-

ри ўтказилади, бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

10. 2-синф қабули учун таълим соҳалари бўйича Давлат тест маркази томонидан қуйидаги фанлардан тест синовлари ўтказилади:

филология: она тили ва ўқишдан 15 та, математикадан 5 та, жами 20 та тест саволи;

математика: математикадан 15 та, она тили ва ўқишдан 5 та, жами 20 та тест саволи;

инсон ва жамият: она тили ва ўқишдан 15 та, математикадан 5 та, жами 20 та тест саволи.

5-синф қабули учун таълим соҳалари бўйича Давлат тест маркази томонидан қуйидаги фанлардан тест синовлари ўтказилади:

филология: она тили ва адабиётдан 20 та, математикадан 10 та, жами 30 та тест саволи;

ижтимоий билимлар: она тили ва адабиётдан 20 та, математикадан 10 та, жами 30 та тест саволи;

математика: математикадан 20 та, она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи;

табiiй билимлар: математикадан 20 та, она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи;

маънавият: она тили ва адабиётдан 20 та, математикадан 10 та, жами 30 та тест саволи ;

санъат: она тили ва адабиётдан 20 та, математикадан 10 та, жами 30 та тест саволи;

технология: математикадан 20 та, она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи;

соғломлаштириш машғулоти: математикадан 20 та, она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи.

11. Ўқувчилар қабул комиссияси томонидан шакллантирилган рўйхат асосида тест синовларига киритилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази ва тасарруфида ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар ҳамкорликда тест синов ишларини ташкиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

13. Ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчиларни синов (фанлардан тест ва психологик тест)дан ўтказиш ва танлаш 2-синфлар учун 5 июндан 20 июнгача, 5-синфлар учун 5 августдан 20 августгача ўтказилади.

Тест синовлари эрталаб соат 9.00 да ёки 14.00 дан бошлаб ўтказилади.

Тест синовларига келмаган ўқувчилар учун қўшимча синовлар ўтказилмайди.

14. Ўқувчиларга тест синовлари ўтказиладиган бинога ўзи билан фақат ручка ва оқ қоғоз олиб киришларига рухсат этилади.

15. Тест синовлари умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари доирасида ҳамда муассасанинг ўқитиш тилида ўтказилади.

16. Тест синовларининг (таълим соҳалари бўйича фанлардан тест синовлари ҳамда психологик-педагогик диагностикаси) ҳар биридан алоҳида 70 фоиздан кам бўлмаган натижа кўрсатган ўқувчилар белгиланган квотага мувофиқ қабул қилинади.

17. Ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга тест синовларида улар тўплаган баллнинг 10 фоизи миқдоридида қўшимча балл имтиёз сифатида қўшиб берилади.

18. Ўқувчиларнинг тест синовларидаги кўрсаткичлари тенг бўлиб қолган ҳолларда қуйидагилар имтиёзга эга бўлади:

ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болалар;

кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари.

19. Танловнинг якуний натижалари 5 кун ичида эълон қилинади, қабул комиссияси томонидан муассасанинг кўрсаткичлар доскасига осиб қўйилади.

20. Тест синовларидан ўтмаган ўқувчиларнинг ҳужжатлари ота-оналарга қайтариб берилади.

21. Танловни ўтказиш жараёнидан норози бўлган ўқувчилар ёки уларнинг ота-оналари Давлат тест марказига, унинг жойлардаги доимий вакилларига, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига мурожаат этишлари мумкин.

22. Танловдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар 2-синфлар учун 1 июлга, 5-синфлар учун 25 августга қадар ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси ёки умумтаълим мактаби директори буйруғи асосида ўқувчилар сафига киритилади.

IV. Ўқувчиларни ўқишдан четлатиш ва бўш ўринларга қабул қилиш тартиби

23. Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси ёки умумтаълим мактабининг уставида белгиланган ички тартиб-қоидаларни бузган ўқувчилар туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан келишилган ҳолда педагогик кенгаш қарори асосида аввал ўқиган синфи ёки мактабига қайтариб юборилади (ўқувчининг яшаш жойи ўзгарган шароитда тегишли ҳудуддаги бошқа мактабга).

24. Ихтисослаштирилган синф ёки ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида бўшаб қолган ўринларга танловда иштирок этиб, таълим соҳалари бўйича тегишли фанлардан 70 фоиздан ортиқ натижа кўрсатган, лекин ўтиш бали юқори бўлганлиги сабабли қабул қилинмай қолган ўқувчилар қабул қилинади.

Агар ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан рад жавоби олинса, унда рўйхат бўйича бу ўқувчидан кейинги юқори балл тўплаган ўқувчи чақирилиши мумкин. Мазкур талабга фақатгина ўқув йилининг биринчи ярми натижалари бўйича рўйхат этилади. Ўқув йили туга-

ганда эса бўш ўринларни тўлдириш учун қўшимча танлов эълон қилинади ва ўтказилади.

V. Яқуний қоида

25. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

233 Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 844-3

(2009 йил 10 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га (1999 йил 1 декабрь, рўйхат рақами 844) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 март,
2009-24

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 25 апрелдан 1 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкини бўлиб-бўлиб реализация қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 13 апрелдаги 9-сонли қарори.*

2009 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 843-1 (2009 йил 5 майдан кучга киради).

2. «Битим реестри тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 14 апрелдаги 01/23-18/07-сонли қарори.*

2009 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 315-1 (2009 йил 5 майдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 30 мартдаги 28-сонли буйруғи.*

2009 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1947 (2009 йил 7 майдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори.*

2009 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948 (2009 йил 7 майдан кучга киради).

5. «Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 21 апрелдаги 45, 2009-18-сонли қарори.*

2009 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1576-1 (2009 йил 8 майдан кучга киради).

6. «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2009 йил 30 мартдаги 53-сонли буйруғи.*

2009 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1949 (2009 йил 8 майдан кучга киради).

7. «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 27 мартдаги 4/4, 01-11К/Қ-сонли қарори.*

2009 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1950 (2009 йил 9 майдан кучга киради).

8. «Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 27 мартдаги 2009-24-сонли буйруғи.*

2009 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 844-3 (2009 йил 10 майдан кучга киради).

II. Давлат реестрдан чиқарилди:

1. Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкини бўлиб-бўлиб реализация қилиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 843, 1999 йил 1 декабрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 25 апрелдаги 104-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Битим реестри тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 315, 1997 йил 12 март).*

Адлия вазирининг 2009 йил 25 апрелдаги 105-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома ва 1, 2, 3, 4-сон ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тас-*

диқланган. (рўйхат рақами 1080, 2001 йил 10 ноябрь), (рўйхат рақами 1080-1, 2003 йил 29 сентябрь), (рўйхат рақами 1080-2, 2007 йил 8 январь), (рўйхат рақами 1080-3, 2007 йил 7 август), (рўйхат рақами 1080-4, 2008 йил 31 май).

Адлия вазирининг 2009 йил 27 апрелдаги 108-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган* (рўйхат рақами 1576, 2006 йил 31 май).

Адлия вазирининг 2009 йил 28 апрелдаги 106-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг